WORLD SCIENCE PUBLISHING
LONDON LTD
LONDON
London International Monthly Conference on Multidisciplinary Research and Innovation

ЖИЗЗАХ ШАҲРИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАРИДА ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ТУР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Э.Абдураҳмонова
Гулистон давлат университети I курс таянч доктаранти
А.Пазилов
Гулистон давлат университети, Биология кафедараси проффесори

Ҳозирги кунда урбанизация жараёнларининг жадаллашуви ва табиий ландшафтларнинг антропоген таъсир натижасида ўзгариши биологик хилма-хилликнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, шаҳар ҳудудларида табиий биотопларнинг қисқариши, ўсимлик қопламининг ўзгариши ва антропоген ландшафтларнинг кенгайиши ҳайвонот дунёси тур таркибининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, урбанизациялашган ҳудудларда умуртқасиз ҳайвонларнинг, жумладан, қуруқлик моллюскаларининг тур хилма-хиллигини ўрганиш замонавий фаунистик тадқиқотларнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки Ўзбекистонда урбанизациялашган ва антропоген ўзгаришга учраган ҳудудларда қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини ўрганишга бағишланган қатор фаунистик тадқиқотлар (Рўзиқулова в.б.қ,2021, Рўзиқулова 2021, 2022, 2024, Давронов, Орзиева 2023, Авазметова в.б.қ., 2023, 2025) амалга оширилган бўлиб, бироқ Жиззах шаҳри антропоген ландшафтларида қуруқлик моллюскаларининг тур таркибига оид махсус фаунистик тадқиқот ўтказиш зарурати сақланиб қолмоқдаки, бу эса Жиззах шаҳри антропоген ландшафтларида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш ва уларнинг фаунистик хилма-хиллигини тавсифлашни таққоза этади.

Тадқиқот натижалари.

2026 йилнинг апрель-май ойларида Жиззах шаҳрининг антропоген ландшафтларида қуруқлик моллюскаларининг тур хилма-хиллиги ўрганилди. Тадқиқотлар шаҳар ҳудудидаги истироҳат боғлари, шахсий томорқалардаги ариқ бўйларидаги турли хил ўтлар, ҳамда ўсимлик қоплами сийрак бўлган қуруқ очиқ майдонларда олиб борилди.

Истироҳат боғларидаги ўт қоплами остида *Vallonia costata, Cochlicopa nitens, Pupilla muscorum* ва *Deroceras laeve* турларининг тарқалганлиги аниқланди. Мазкур турларнинг популяция зичлиги бир-биридан фарқ қилиб, энг юқори кўрсаткич *V. costata* турида қайд этилди ва унинг зичлиги 1 м² майдонда 9-10 экз.ни ташкил этди. *C. nitens* ва *P. muscorum* турларининг зичлиги 5-7 экз./м², *D. laeve* турида эса нисбатан паст бўлиб, 3-4 экз./м² га тенглиги аниқланди.

Шахсий томорқалардаги олмазор боғларидаги ариқ бўйларида ўсадиган турли хил ўтлар орасида: *C. lubrica, Lehmannia valentiana, Candaharia levanderi, C. izzatullayev*i, *Zonitoides nitidus* турлари учраб, бу турларнинг ҳам зичлиги бир-биридан фарқ қилиб, энг юқори курсатгич *Z. nitidus* турида қайд этилиб 1 м² майдонда 15-18 экз.ни ташкил этди. *C. lubrica* 10-12 та, *L. valentiana, C. levanderi* ва *C. izzatullayev*i турларининг зичлиги нисбатан паст бўлиб, 6-8 экз./м² га тенглиги аниқланди.

Ўсимлик қоплами сийрак бўлган қуруқ очиқ майдонларда *Xeropicta candacharica* тури тарқалган бўлиб, унинг популяциядаги зичлиги 35-40 экз./м² ни ташки этиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, Жиззах шаҳрининг ўрганилган антропоген ландшафтларида қуруқлик моллюскаларининг жами 10 тури қайд этилди(**жадвал**). Турлар сони бўйича энг юқори

© 2026 London International Monthly Conference on Multidisciplinary Research and Innovation. All Rights Reserved.

кўрсаткич шахсий томорқалардаги олмазор боғларнинг ариқ бўйи биотопларида кузатилиб, бу ерда 5 тур (50%) аниқланди. Истироҳат боғларида 4 тур (40%), ўсимлик қоплами сийрак бўлган қуруқ очиқ майдонларда эса фақат 1 тур (10%) қайд этилди.

Мазкур натижалар ўрганилган биотоплар ўртасида моллюскаларнинг тур бойлиги ва популяция зичлиги жиҳатидан сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатади.

Истироҳат боғларида *Vallonia costata, Cochlicopa nitens, Pupilla muscorum* ва *Deroceras laeve* турлари тарқалган бўлиб, улар орасида *V. costata* нисбатан юқори популяция зичлиги (9-10 экз./м²) билан ажралиб турди. Қолган турларнинг зичлиги 3-7 экз./м² оралиғида ўзгарди. Ушбу биотопларда ўт қопламининг мавжудлиги, тупроқ юзасида намликнинг сақланиши ва ўсимлик қолдиқларининг тўпланиши моллюскаларнинг яшаши учун қулай микрояшаш муҳитини шакллантириши мумкин.

Жадвал.

Жиззах шаҳри антропоген ландшафтларида қуруқлик моллюскаларининг биотоплар бўйича тарқалиши ва популяция зичлиги

№	Турлар	Биотоп			Зичлиги 1м²
		Истироҳат боғлари, ўт қоплами ости	Шахсий томорқалардаги олмазор боғлар, ариқ бўйлари	Ўсимлик қоплами сийрак бўлган қуруқ очиқ майдонлар	
1	*Vallonia costata*	+	-	-	9-10
2	*Cochlicopa nitens*	+	-	-	5-7
3	*Pupilla muscorum*	+	-	-	5-7
4	*Xeropicta candacharica*	-	-	+	35-40
5	*Deroceras laeve*	+	-	-	3–4
6	*Cochlicopa lubrica*	-	+	-	15-12
7	*Lehmannia valentiana*	-	+	-	6-8
8	*Candaharia levanderi*	-	+	-	6-8
9	*Candaharia izzatullayevi*	-	+	-	6-8
10	*Zonitoides nitidus*	-	+	-	15-18

Шахсий томорқалардаги олмазор боғларнинг ариқ бўйларида турлар сони нисбатан юқори бўлиб, *Cochlicopa lubrica, Lehmannia valentiana, Candaharia levanderi, C. izzatullayevi* ва *Zonitoides nitidus* турлари аниқланди. Улар орасида *Z. nitidus* энг юқори зичликка (15-18 экз./м²) эга бўлди. *C. lubrica* турида бу кўрсаткич 10-12 экз./м², қолган уч турда эса 6-8 экз./м² ни ташкил этди. Ариқ бўйларида намликнинг нисбатан юқорилиги, ўсимлик қопламининг ривожланганлиги ва органик

© 2026 London International Monthly Conference on Multidisciplinary Research and Innovation. All Rights Reserved.

қолдиқларнинг мавжудлиги мазкур биотопда турлар сонининг кўплигига таъсир кўрсатувчи эҳтимолий экологик омиллар ҳисобланади.

Ўсимлик қоплами сийрак бўлган қуруқ очиқ майдонларда фақат *Xeropicta candacharica* тури қайд этилди. Ушбу турнинг популяция зичлиги 35-40 экз./м² ни ташкил этиб, ўрганилган барча турлар орасида энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу ҳолат *X. candacharica* турининг нисбатан қуруқ ва очиқ яшаш муҳитига экологик мослашганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш мумкинки, Жиззах шаҳри антропоген ландшафтларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуруқлик моллюскаларининг 10 тури аниқланиб, уларнинг биотоплар бўйича тарқалиши ва популяция зичлигида фарқлар мавжудлиги қайд этилди. Тур бойлиги бўйича энг юқори кўрсаткич шахсий томорқалардаги олмазор боғларнинг ариқ бўйларида (5 тур), энг паст кўрсаткич эса ўсимлик қоплами сийрак бўлган қуруқ очиқ майдонларда (1 тур) кузатилди. Популяция зичлиги бўйича *Xeropicta candacharica* (35-40 экз./м²) устунлик қилди. Олинган натижалар шаҳар антропоген ландшафтларида қуруқлик моллюскаларининг тарқалиши биотопларнинг экологик хусусиятлари, жумладан, намлик режими ва ўсимлик қоплами билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Рузикулова Н.А., Иззатуллаев З.И., Даминов А.С. Biotopic Distribution and Ecology of Terrestrial Molluscs (Mollusca: Gastropoda, Pulmonata) in Some Cities of Uzbekistan // Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – 2021. – Vol. 12, № 6. – P. 4576–4584.
2. Рузикулова Н.А. Фауна наземных моллюсков некоторых городов Узбекистана // Обмен научными знаниями в условиях глобализации: материалы научной конференции. – 2021. – С. 169–171.
3. Ruzikulova N.A. Distribution of Terrestrial Mollusk of Samarkand Cities in Habitats // Thematics Journal of Zoology. – 2022. – Vol. 7, № 1.
4. Рузикулова Н.А. Қуруқлик қориноёқли моллюскаларининг шаҳар биотоплари бўйича тарқалиши // International Journal of Recently Scientific Researcher's Theory. – 2024. – Vol. 2, № 1. – Б. 112–117.
5. Davronov B., Orziyeva Y. Information Regarding the Terrestrial Molluscs Distributed in the Area of Karshi City // Research Journal of Trauma and Disability Studies. – 2023. – Vol. 2, № 9. – P. 15–18.
6. Avazmetova I.R., Matyakubova Y.A., Yadgarova N.S. Spread of Khorezm Oasis Land Mollusks in Biotopes // Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. – 2023. – Vol. 22. – P. 6–8.
7. Avazmetova I.R., Jumadurdiyeva B.D., Masharibova Y.Sh. Species Composition of Land Molluscs in the Khorezm Oasis and Their Conservation // Journal of Agriculture & Horticulture. – 2025. – Vol. 5, № 10. – P. 27–29.

© 2026 London International Monthly Conference on Multidisciplinary Research and Innovation. All Rights Reserved.